
САМИМИЙ УЧРАШУВ

Риштон туманидаги 58-умумтаълим мактабида Риштон тумани ҳокими С. Солиев раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Мурожаатномаси, оилалар мустаҳкамлигини сақлаш мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Тўраобод ва Ариқбўйи МФЙларида истиқомат қилаётган аёллар ва мактаб ўқитувчилари иштирок этишди. Ўтказилган самимий учрашувда туман ҳокими муҳтарам юртбошимизнинг мурожаатларининг мазмун-моҳиятини халққа кенг маънода тушунтириб ўтди. Шунингдек, суҳбат давомида туманда амалга оширилган ишлар, 2021 йилги режалар тўғрисида ҳам маълумот берилди. Халқимизни аҳиллик, меҳнатсеварлик, тadbиркорлик, фарзанд тарбиясига жиддий эътибор беришлик, аёлларнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни, таълим-тарбия соҳасига эътиборни кучайтириш борасида ҳам сермазмун фикрлар билдирилди.

Тураобод МФЙ фуқароси, хожи она Ж.Усмонова сўзга чиқиб, бугунги доруломон кунимиздан Президентимизга чин дилдан миннатдорчилик билдирди.

Маданий-маърифий тadbир сўнгида туман ҳокими муҳтарама аёлларимизга совғалар бериб, янада кайфиятларини аъло даражада кутарилишига эришди. Ўтказилган тadbирдан барча иштирокчилар маънавий-маданий озуқа олдилар.

Тadbирда туман Халқ қабулхона мудирини С.Додобоев, туман хотин-қизлар масалалари бўйича ҳоким маслаҳатчиси М. Тожибоева, туман маънавият ва маърифат бўлими раҳбари, ҳоким маслаҳатчиси Д. Додобоевалар иштирок этишди.

2021-01-07 15:12:25